



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Ҳидиров Музаффар

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0009-4678-9864

muzaffarxidirov7575@gmail.com

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётдаги тиждорат банкларининг кредит фаолияти билан боғлиқ молиявий кўрсаткичлар, хусусан давлат улуши мавжуд бўлган ва бошқа банклар кесимида активларнинг умумий ҳажми, пасивлар таркибидаги мажбуриятлар ва капитал ҳажми, шунингдек кредитлар ва депозитлар миқдори ҳамда улар улушларининг охириги беш йилликдаги амалий ҳолати таҳлили амалга оширилган ва натижалар ёритилган. Таҳлиллар асосида илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк тизими, тиждорат банклари, активлар, пасивлар, мажбуриятлар, капитал, депозит, кредитлар, кредит фаолияти, молиявий кўрсаткичлар.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ФИНАНСОВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Хидиров Музаффар

Денауский институт предпринимательства и педагогики

Аннотация. В статье проанализированы финансовые показатели, характеризующие кредитную деятельность коммерческих банков в национальной экономике, в частности, общий объем активов, обязательств и капитала в структуре обязательств, а также объем кредитов и депозитов и их доли за последние пять лет, представлены результаты анализа. На основе проведенного анализа сделаны научные выводы.

Ключевые слова: банковская система, коммерческие банки, активы, пассивы, обязательства, капитал, депозиты, кредиты, кредитная деятельность, финансовые показатели.

ANALYSIS OF THE STATE OF FINANCIAL INDICATORS RELATED TO THE CREDIT ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN THE NATIONAL ECONOMY

Hidirov Muzaffar

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Abstract. The article analyzes the financial indicators related to the credit activities of commercial banks in the national economy, in particular, the total volume of assets, liabilities and capital in the structure of liabilities, as well as the volume of loans and deposits and their shares over the past five years, and presents the results. Scientific conclusions are drawn based on the analysis.

Keywords: banking system, commercial banks, assets, liabilities, liabilities, capital, deposit, loans, credit activity, financial indicators.

Кириш.

Мамлакатимизда банк тизимида мавжуд тижорат банклари сони 2020 йил 1 январь ҳолатида 30 тани, шу жумладан давлат улуши мавжуд бўлган банклар 13 тани ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги банклар 17 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб, 2025 йил 1 январь ҳолатида давлат улуши мавжуд банклар 9 тани ва бошқа банклар 27 тадан иборат бўлиб умумий банк тизимида фаолият юритаётган тижорат банклари сони 36 тага етган. Банк тизимидаги ушбу динамик ўзгариш албатта ижобий ҳисобланади. Чунки, биринчидан давлат улуши мавжуд банклар сонини камайиши тизимда бозор тамойиллари асосида ишлаш даражаси юқори бўлган хусусий сектор улуши ошишига сабаб бўлган хусусийлаштириш жараёни кузатилганидан далолат берса, иккинчи томондан янги очилган бошқа мулкчилик шаклидаги банклар ҳисобига ҳам банк тизимидаги тижорат банклари сонининг ошиши иқтисодиётда ушбу соҳада хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланишига сабаб бўлувчи рақобат муҳитини яхшиланишига олиб келади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунгача, кўплаб иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида банкларнинг кредитлаш фаолияти билан боғлиқ молиявий кўрсаткичлар ҳолати таҳлили бағишланган тадқиқотларида ўз фикрларини билдириб ўтишган:

Рус иқтисодчиларидан Кричевец (2023) фикрига кўра, кредит фаолиятини тартибга солиш – бу молия тизимини бошқаришнинг муҳим қисмидир. У банк сектори барқарорлигини таъминлаш, қарз олувчилар ва кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий инқирозларнинг олдини олишга қаратилади. Тадқиқотчи бу билан, кредит тизими ва у билан боғлиқ фаолият миллий иқтисодиёт молия тизимида салмоqli улушга ва таъсирга эга эканлигини таъкидлаган.

Айгалин (2023) ўз тадқиқотларида кредит фаолиятини тартибга солишнинг принциплари тўғрисида тўхталган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) соғломлилик тамойили, яъни банклар кредит rischi ва бошқа riskлардан юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун етарли капиталга эга бўлиши кераклиги;

2) шаффофлик тамойили, бунда банклар ўз фаолияти тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумотларни, жумладан, кредит маҳсулотлари ва кредитлаш шартлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шартлиги;

3) Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили, бунда банк қарз олувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, ахборот олиш ҳуқуқини, адолатсиз амалиётлар ва камситишлардан ҳимояланиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш керак бўлади.

Проняева ва Парушиналар (2023) тижорат банклари кредит фаолиятидаги молиявий riskларни бошқариш қаратилган изланишларида кредит фаолиятини тартибга солиш механизлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтган:

✓ капиталнинг етарлилик стандартлари: банк потенциал йўқотишларни қоплаш учун эга бўлиши керак бўлган капиталнинг минимал даражасига қўйиладиган талаблар. Бу капиталнинг сифати ва миқдорига талабларни белгилайдиган Базель III стандартларини ўз ичига олади;

✓ кредит таваккалчилигини тартибга солиш: банклар кредит таваккалчиликларини, шу жумладан кредит скоринг тартиб-қоидалари, қарз олувчиларни бошқариш ва кредит портфели мониторинги орқали бошқариш керак;

✓ кузатиш ва назорат: марказий банк ва бошқа тартибга солувчи органлар банкларнинг қоидалар ва стандартларга риоя этишини таъминлаш ҳамда муаммоларни эрта аниқлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиб боради;

✓ маълумотларни ошкор қилиш қоидалари: банклар ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишлари шарт.

Банк кредит фаолиятини тартибга солишнинг шакл ва усуллари ўрганишда банк фаолиятини пруденциал тартибга солишнинг моҳияти ва хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларни қайд этиш зарур.

Братконинг (2019) тадқиқотларига кўра, банк соҳасида пруденциал тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда кредит фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг молиявий ишончлилигини ва ликвидлилигини ошириш ҳамда тўловга лаёқатсизлигини камайтиришга қаратилиши ушбу тартибни самарали ишлашини таъминлайди.

Белякова (2009) ўз тадқиқотларида банклар фаолиятини пруденциал тартибга солиш йўналишида кўп тўхталган бўлиб, унга кўра, банклар фаолиятини тартибга солишнинг ушбу шакли давлатнинг марказий банк орқали амалга оширадиган бевосита функцияси деб таъкидлайди.

Тижорат банкларининг кредит фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш менежментнинг бой назарий ва услубий тажрибасига ҳамда улар доирасида яратилган илмий тадқиқотларга асосланади.

Иқтисодчи олимларимиздан бири (Бозоров, 2023) ўз тадқиқотида, “тижорат банклари молиявий барқарорлиги бу – банк фойда олиш жараёнида унинг молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг ижобий ҳолатини таъминлаган ҳолда банк хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали ички ва ташқи муҳитнинг салбий оқибатларига қарши тура олиш қобилияти” дея фикр билдирган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётдаги тижорат банкларининг кредит фаолияти билан боғлиқ молиявий кўрсаткичларини амалий ҳолатини таҳлил қилиш орқали кредит фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар шакллантириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Ушбу мақоланинг назарий, ва амалий ҳамда услубий асоси сифатида соҳага тааллуқли адабиётлар ва илмий мақолалар, соҳа олимлари ва экспертларининг тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва кредит фаолиятига доир фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашиш, эксперт баҳолаш, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли хулоса ва таклиф ҳамда тавсиялар берилган. Тадқиқот усулларида статистик маълумотларни жамлаш, умумлаштириш, қиёсий таққослаш ҳамда тизимли таҳлил кабилардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Қуйидаги келтирилган жадвал маълумотидан кўришимиз мумкинки, давлат улушига эга бўлган тижорат банкларининг сони 2025 йил 1 январь ҳолатига келиб 25 фоизга тушган ҳолда 9 тани ташкил қилган. Шу билан бирга ушбу даврда улар активларининг жами банклар активларидаги улуши ҳам 84,9% (310730/366121)дан 65,4% (503187/769330)гача пасайган бўлиб, бу одатда бозор иқтисодиёти асосидаги иқтисодий тизим учун ижобий ҳолат ва стратегик йўналиш натижаси сифатида қаралади. Аммо банк тизимидаги активларнинг юқори улуши ушбу 9 та банкда сақланиб қолаётгани бутун банк тизимида давлатнинг тартибга солиш функциясидан кўра, бошқа воситалар орқали аралашувини юқори бўлишига сабаб бўлиши мумкин.


Шунингдек, банк тизимида тижорат банклари капиталининг активларига нисбати таҳлил даврининг охирига келиб 14,9% ни ташкил қилган ҳолда 2021 йилги 15,9% га нисбатан 1 фоизли пунктга пасайган. Бу эса банкларда капитал билан таъминланганлик нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланса, иккинчи томондан соф фойда активларга нисбатан ўзгармас даражаси сақланса капитал рентабеллигини юқори бўлиши нуқтаи назаридан ижобийдир.

1-жадвал

**Миллий иқтисодиётдаги тижорат банклари фаолиятининг асосий
молиявий кўрсаткичлари (млрд. Сўм)**

Кўрсаткич		01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2025
Тижорат банклари сони	жами	32	33	31	35	36
	давлат улушли	13	12	12	10	9
	бошқа банклар	19	21	19	25	27
Активлар	жами	366 121	444 922	556 746	652 157	769 330
	давлат улушли	310 730	362 422	435 136	441 777	503 187
	бошқа банклар	55 392	82 501	121 611	210 380	266 143
Капитал	жами	58 351	70 917	79 565	97 079	114 792
	давлат улушли	48 995	57 695	61 919	63 239	70 175
	бошқа банклар	9 356	13 222	17 646	33 840	44 617
Мажбурият	жами	307 770	374 005	477 181	555 078	654 538
	давлат улушли	261 734	304 727	373 216	378 538	433 012
	бошқа банклар	46 036	69 278	103 964	176 540	221 526
Депозит	жами	114 747	156 190	216 738	241 687	308 692
	давлат улушли	82 461	104 248	135 534	124 358	154 511
	бошқа банклар	32 286	51 942	81 203	117 329	154 181
Кредит	жами	276 975	326 386	390 049	471 406	533 121
	давлат улушли	244 484	280 074	324 681	333 298	366 731
	бошқа банклар	32 491	46 312	65 368	138 107	166 391
Муаммоли кредитлар	жами	5 785	16 974	13 992	16 621	21 185
	давлат улушли	5 168	15 069	12 643	13 267	14 344
	бошқа банклар	617	1 905	1 349	3 354	6 841

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.




1-расм. Тижорат банклари жами депозитларининг активларга нисбати ва умумий депозитларда давлат улуши мавжуд бўлган ҳамда бошқа банклар улуши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил даври давомида тижорат банкларидаги депозитлар ҳажми 2,7 баробарга кўпайган ҳолда 308,7 трл сўмни ташкил қилган. Бу эса ушбу даврда банклар активлари 2,1 баробарга кўпайиши вазияти фонида қайд этилгани банклар томонидан бозор тамойиллари асосида ресурс жалб қилишга бўлган эҳтиёж ва хоҳиш ортганлиги билан ҳам қувонарли ва жозибали ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо ушбу даврда давлат улуши мавжуд банклардаги депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 71,9% (82461/114747)дан 50,1% (154511/308692)гача қисқарганлик каби салбий тенденция ҳам қайд этилган. Бунга, биринчи ушбу даврда баъзи давлат банкларининг хусусийлашганлиги мантиқий асосда камайишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан ушбу турдаги банкларда хориждан паст фоизли ресурсларни жалб қилишга бўлган манфаатдорликни юқори бўлиши ҳамда давлат дастурлари доирасида ажратилган ресурслар ҳисобига боқимандалик кайфиятининг юқори бўлиши мумкинлиги ҳисобига депозитлар бозорида рақобатга киришиш орқали ресурс жалб қилиш ва бозорда соф фоизли ставкани шаклланишга хизмат қилишга бўлган уринишларини пасайишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Депозитлар борасида ҳам янада аниқроқ хулоса қилиш мақсадида қуйидаги диаграммани таҳлил қиламиз.




2-расм. Тижорат банклар депозитларининг активларга нисбати

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил даврида давлат улуши мавжуд бўлган банклардаги депозитларнинг ушбу банклар активларига нисбати 4,2 фоизли пунктга ўсиб 30,7% га етган бу хусусий ҳол учун юқори даражада бўлмасада ижобий натижа ҳисобланади. Аммо ушбу даврда аввалги расм маълумотида кўра, ушбу банклар депозитларининг бутун банк тизими депозитларидаги улуши 21,8 фоизли пунктга пасайиб 50,1% ни ташкил қилганлиги жиҳатидан умумий ҳолатдаги тенденция ижобий бўлмаган. Ушбу битта кўрсаткич билан боғлиқ бир-бирига тескари бўлган икки хил тенденцияга сабаб, биринчидан таҳлил даврида давлат улуши мавжуд банкларда активлар 1,62 баробар (503187/310730)га ошган вазиятда улардаги депозитлар 1,87 баробар (154511/82461)га кўпайган, яъни активларга нисбатан депозитларнинг

кўпайиш даражаси юқори бўлганлиги учун депозитларнинг активларга нисбати юқорида қайд этилганиддек 26,5% дан 30,7% га кўтарилган (бу ижобий ҳолат); иккинчи томондан эса ушбу даврда давлат улуши мавжуд банкларида депозитлар 1,87 баробар (154511/82461)га кўпайган вазиятда эса бошқа мулкчилик шаклидаги банкларда эса депозитлар юқори суръатда, яъни 4,78 баробар (154181/32286)га кўпайганлиги уларнинг банк тизими депозитларидаги улушини 28,1% дан 49,9% гача кўтарилишига ва бу эса аксинча давлат улушидаги банклар депозитларининг улуши мос равишда пасайишига олиб келган.

Қолаверса, расмдаги яна бир жиҳатни изоҳлашимиз мақсадга мувофиқки, таҳлил даврида бошқа мулкчилик шаклидаги банкларда депозитларнинг юқори даражада кўпайиши бу борада умумий банк тизимидаги мавқеини яхшилаган бўлсада, аммо ушбу банклар бўйича хусусий ҳолатда депозитларнинг активларга нисбати -0,4 фоиз пункт (57,9%-58,3%)га пасайган. Бунга сабаб эса, ушбу даврда мазкур банклар активлари 4,81 баробар (266143/55392)га кўпайган бўлиб, бу ўсиш даражаси мазкур банклардаги депозитларнинг ўсиш даражаси (4,78)дан юқори бўлган, бу ҳолат эса мазкур банклардаги депозитларнинг активларга нисбати пасайишига олиб келган.



3-расм. Банкларнинг 2020-2024 йиллардаги кредитлар бўйича улуши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ушбу расм ва юқорида келтирилган жадвал маълумотларига кўра, таҳлил даври давомида тижорат банкларининг кредитлари ҳажми 1,93 баробар (533121/276975)га, жумладан давлат улуши мавжуд банкларда 1,50 баробар (366731/244484)га ва бошқа мулкчилик шаклидаги банкларда 5,12 баробар (166391/32491)га кўпайган. Демак ушбу таҳлилларга кўра, давлат улуши мавжуд бўлмаган банклар гуруҳига кирувчи тижорат банкларидаги кредитлар ҳажмининг сезиларли фарқ билан ўсиш даражаси, унинг умумий банк тизимидаги кредит портфелидаги улушининг ошишига ҳам хизмат қилган.

Натижада, расм маълумотларида келтирилгани каби, давлат улуши мавжуд бўлмаган банклар кредитларининг улуши 11,7% дан 31,2% гача ошган, аксинча давлат

улуши мавжуд бўлган банклар кредитларининг улуши мос равишда таҳлил даврида 19,5 фоизли пункт (88,3%-68,8%)га пасайган. Бунга сабаб сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: 2023 йил 2-ярим йилликда давлат улуши мавжуд бўлган йирик банклардан бири бўлган Ипотека-банкнинг хусусийлаштирилиши натижасида ундаги кредитлар миқдори давлат улуши мавжуд бўлмаган банклар кредитлари таркибига кириши ҳисобига рўй берган. Ушбу банк 2023 йил 1 январь ҳолатига давлат банкларидан бири сифатида банк тизимидаги кредитларнинг 8,4% улушига эгалик қилган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатида бошқа мулкчилик шаклидаги банклар сафига қўшилган ҳолда 7,9% улушга эга бўлган¹. Демак, ушбу даврдаги давлат улуши мавжуд бўлмаган банклар кредитларининг умумий кредитлардаги улушини 12,5% (29,3%-16,8%)га кўпайишига мазкур хусусийлаштириш жараёнининг 8% атрофида ҳиссаси мавжуд бўлиб, улушнинг қолган ўсиш қисми таҳлил даврининг бошқа йилларида бўлгани каби ушбу гуруҳ банкларида активларнинг ва кредитларнинг ўсиш даражаси давлат улуши мавжуд бўлганларига кўра юқори ҳолатда бўлганлиги сабаб рўй берган.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

- тижорат банкларидаги капиталнинг активларга нисбати бошқа мулкчилик шаклидаги банкларда таҳлил даври бошида ва охирида мос равишда 16,9% ва 16,8% бўлган бўлса, давлат улуши мавжуд банкларда эса 15,8% дан 13,9% га пасайган. Яъни умумий ҳолатдаги 1 фоизли пункт пасайишга давлат улушидаги банкларда капитал улушининг пасайиши юқори даражада таъсир кўрсатган;

- таҳлиллардан кўринадики, давлат улуши мавжуд банклардан кўра бошқа мулкчилик шаклидаги банкларда активларни кўпайтириш ва шу билан бирга пасивлар таркибида депозитларнинг ҳажмини ҳам ошириб бориш юқори даражада бўлган. Шунингдек, ушбу банклардаги депозитларнинг активларга нисбати давлат улуши мавжуд банклардагидан қараганда ўртача икки баробар кўпроқни ташкил қилган. Бу эса, халқаро тажрибага асосан банкларда молиявий барқарорликни таъминлашда кредитларнинг депозитларга нисбати 70%-90% атрофида бўлиши кераклиги борасидаги тавсияларни бажариш нуқтаи назаридан ҳам ижобий ҳисобланади.

Бу борада олиб борилаётган тадқиқотларга кўра маҳаллий тижорат банкларимиз учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- депозитларнинг активларга нисбатини ошириш ҳисобига банкда тижорат кредитлар улушини кўпайтириш асносида кредит фоиз ставкаларини пасайтириш мақсадга мувофиқ;

- банк пасивлари таркибида кредитлар бўйича мажбуриятларни етарли даражада бўлишига эришиш ҳамда имтиёзли кредитларнинг умумий кредитлардаги улушининг оптимал даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш йўли билан умумий кредитларнинг даромадлилилик даражасини оширишни таъминлашга эришиш тавсия этилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Айгалин А.С.А., Амангожаева А.Б. (2023) Совершенствование кредитной политики коммерческого банка // Форум. № 2 (28). С. 84

Белякова М.В. (2009) Механизм регулирования деятельности банковских институтов // Транспортное дело России. N 1; URL: <http://www.morvesti.ru/archiveTDR/>.

Бозоров, Р. (2022). Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг хориж тажрибаси (ICBC банки мисолида). Архив научных исследований, 2(1).

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф таҳлиллари (<https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/843915/>; <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569329/>).

Бозоров, Р. Х. (2023). Банк ресурслари ҳисобига кредитлаш механизмларининг назарий асослари. *Science and innovation*, 2(Special Issue 13), 709-711.

Братко, А. Г. (2019) Банковское право России в 2 ч. Часть 1: учебник для бакалавриата и магистратуры / А. Г. Братко. — Москва : Издательство Юрайт. — 288 с.

Кричевец Е.А. и др. (2023) Оценка качества кредитного портфеля банка // Вектор экономики. 2023. № 2 (80). С. 48.

Проняева Л.И., Парушина Н.В. (2023) Управление финансовыми рисками в кредитной деятельности коммерческих банков // Вестник Академии знаний. № 2 (55). С. 363.